

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Бозоров Анвар Бозор ўғли

Қарши халқаро университети ўқитувчиси

Аннотация. Мамлакат иқтисодиётини барқарор ва изчил равишда ривожлантиришида тижорат банкларининг тутган ўрни беқиёсдир. Тижорат банклари молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, инвестиция фаолиятини рағбатлантириши ҳамда ишлаб чиқариши соҳаларини кредитлаш орқали иқтисодий ўсишни таъминлайди. Улар аҳоли ва корхоналарнинг бўйи пул маблағларини жалб этиб, уларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтиради. Шу билан бирга, банклар инфратузилмани молиялаштириши, экспорт-импорт операцияларини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратишида муҳим воситачи сифатида иштирок этади. Ўзбекистонда банк тизимини ислоҳ қилиши, рақамли банк хизматларини жорий этиши ва халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни кучайтириши орқали тижорат банкларининг иқтисодиётни ривожлантиришидаги роли янада ошмоқда. Шу боис, замонавий банкчилик амалиётини такомиллаштириши мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: иқтисодий ривожланиши, молиявий тизим, тижорат банклари, банк тизими, инвестиция фаолияти, кредитлаш, молиялаштириши, инновацион лойиҳалар, ишбилармонлик муҳити, пул-кредит сиёсати, иқтисодий барқарорлик, банк хизматлари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, иш ўринлари яратиши, капитал айланмаси, банк активлари, депозитлар, ликвидлик, кредит портфели, банк ресурслари, молиявий воситачилик, банк инфратузилмаси.

Annotation. The role of commercial banks in the sustainable and consistent development of the national economy is invaluable. Commercial banks ensure economic growth by efficiently allocating financial resources, promoting investment activity, and providing credit to production sectors. They attract idle funds from the population and enterprises and direct them toward the real sector of the economy. In addition, banks act as key intermediaries in financing infrastructure projects, supporting export-import operations, and creating new jobs. In Uzbekistan, the role of commercial banks in economic development is further increasing through ongoing reforms in the banking system, the introduction of digital banking services, and strengthened cooperation with international financial institutions. Therefore, improving modern banking practices is considered one of the main factors in enhancing the country's economic potential.

Keywords: economic development, financial system, commercial banks, banking system, investment activity, lending, financing, innovative projects, business environment, monetary policy, economic stability, banking services, support for small business, job creation, capital

turnover, bank assets, deposits, liquidity, loan portfolio, bank resources, financial intermediation, banking infrastructure.

Дунё амалиётида мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳоли бандлигини таъминлашда ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда тижорат банклари доимо иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминловчи қон томири вазифасини бажарган.

Власкин.Внинг фикрига кўра “Бозор муносабатлари шароитида банклар халқ хўжалигини кўшимча пул ресурслари билан таъминловчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Замонавий банклар нафақат пул билан савдо қилади, балки бир вақтнинг ўзида бозор таҳлилчилари. Жойлашувига кўра банклар бизнесга, унинг эҳтиёжларига, ўзгарувчан бозор конъюнктурасига энг яқин туради”³⁵.

Дарҳақиқат, 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ-580-сонли қонунда тижорат банкларига қўйидагича таъриф берилган. “Банк — банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс”³⁶.

Усоскин В.Мнинг келтириб ўтган хулосасига мувофиқ, “Тижорат банклари бозор иқтисодиётининг муҳим бўғини сифатида намоён бўлади. Уларнинг фаолияти жараёнида

давлатдаги пул айланишининг катта қисмига воситачилик қилади, манбаларнинг шаклланиши содир бўлади;

вақтинча бўшатишган пул маблағларини қайта тақсимлаш йўли билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун капитал ажратади;

тижорат банклари капиталнинг миллий иқтисодиётнинг энг кам самарали тармоқларидан энг рақобатбардош тармоқларига оқиб ўтишига кўмаклашади.

Улар вақтинча бўш турган корхоналар, ташкилотлар, аҳоли, давлатнинг пул маблағларини қайтариш шарти билан инвестициялар, янгиликларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта қуриш, уй-жой қурилиши учун зарур бўлган катта маблағлар сафарбар этишади”³⁷.

Усоскиннинг бқоридаги фикри дунё ва Ўзбекистон банк тизими учун аҳамиятли ҳисобланади. 2018 йил 1 декабрь ҳолатида мамлакатимиз тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадларида

35,1

трлн.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу эса мамлакатда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда банкларнинг ўрни беқиёс эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида “мувозанатлашган макроиқтисодий

³⁵ Власкин В. Роль банков в экономике Беларуси. // Банковский вестник. -2001. -№34. -С.11-15.

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-580/ 5.11.2019 йил

³⁷ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. -М.: Вазар-Ферро, 1994.

сиёсат юритиш, тижорат банкларининг кредит портфелини ва банк рискларини бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий рискларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш” банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган ³⁸. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг амалий асосларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

1-жадвал. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ³⁹, млрд.сўмда

Кредит номи	01.09.2024 й.	01.09.2025 й.	Ўзгариш и (%да)
Ипотека кредитлари	63 759	75 137	18%
Микроқарзлар	36 469	62 324	71%
Автокредитлар	41 530	37 836	-9%
Бошқа истеъмол кредитлари	523	719	38%
Таълим кредитлари	5 082	5 926	17%
Тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар	18 404	20 912	14%
Бошқа кредитлар	1 139	2 619	130%
Жами ажратилган кредитлар	166 906	205 474	23%

1-жадвалдан аниқ кўрингайки, мамлакатимиз банклари томонидан 2025 йил 1 сентябр ҳолатига жисмоний шахсларни кредитлаш миқдори ўтган йилнинг мос санасига нисбатан 23 фоизга ёкида 38 568,0 млрд сўмга ошган. Хусусан аҳолини ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик соҳаларидаги фаолиятини рағбатлантириш мақсадида 62 324,0 млрд сўм микроқарзлар ажратилган, бу эса тижорат банклари иқтисодиётни локомативи эканлигини англатади.

1-жадвал маълумотларидан яна шуни аниқлаш мумкинки, тижорат банклари учун жисмоний шахсларни кредитлаш нисбатан яхши диверсификация қилинган кредит портфелига эга эканлигини англатади.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

³⁹ Жадвал муаллиф томонидан Марказий банкнинг ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг давлат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли беқиёсдир. Хусусан, аҳолининг молиявий саводхонлиги камлиги сабабли уларда тўпланиб қолган вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб этган ҳолда, уларни тадбиркорлик лаёқатига эга бўлган шахсларга маълум шартлар асосида бериш ва иккала томонга ҳам молиявий наф келтириш, ўз фойдаси ҳисобидан мамлакат учун зарур бўлган ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш, банк кредитлари ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш ва бу орқали мамлакатдаги ишсизлик даражасини пасайтириш ҳамда халқаро савдода пул ўтказмалари орқали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1) Власкин В. Роль банков в экономике Беларуси. // Банковский вестник. -2001. - №34. -С.11-15.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-580/ 5.11.2019 йил
- 3) Усоскин В.М. Современный коммерческий банк. -М.: Вазар-Ферро, 1994.
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.
- 5) Жадвал муаллиф томонидан Марказий банкнинг ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган. www.cbu.uz